

ЗАНЖАБИЛНИНГ ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ

Razzakov Nabijon Alijonovich

Dotsent, Qo'qon universiteti Andijon filiali

Ortikov Muhammadibrohim Musojonovich

Assistent, Qo'qon universiteti Andijon filiali

Aliyev Lazizbek Mahamadjonovich

Katta o'qituvchi, Qo'qon universiteti Andijon filiali

Аннотация: Ушбу мақола занжабилнинг бой кимёвий таркиби ва ундан халқ табобатида фойдаланиш ўринлари келтирилган. У иммун тизимини мустахкамловчи табиий восита бўлиш билан бирга, яллиғланишга қарши, табиий гепатопротектор бўлиш билан бирга, кучли антиоксидант сифатида биологик қарши жараёнини секинлаштиради.

Аннотация: В этой статье представлен богатый химический состав имбиря и его применение в народной медицине. Он не только является природным средством, укрепляющим иммунную систему, но и обладает противовоспалительным действием, естественным гепатопротектором и замедляет процесс биологического старения, являясь мощным антиоксидантом.

Калит сўзлар: эфир, экстракт, флавоноид, антиоксидант, ганглерол, шагаол, зингиберол, антимиқроб, гепатопротектор.

Ключевые слова: эфир, экстракт, флавоноид, антиоксидант, англерол, шагаол, зингиберол, антимиқроб, гепатопротектор.

Кириш. Маълумки, мамлакатимизда халқ табобатининг илдизи жуда ҳам чуқур бўлиб, бир неча минг йиллар олдин ҳам аجدодларимиз халқ табобати услубларидан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар бор [1].

Доривор ўсимликлар ёки хайвон маҳсулотлари асосида табиий биологик фаол моддалардан тайёрланган шифобахш озик-овқат қўшилмаларини илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда янги турларини олиш ҳозирги замоннинг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади [2]. Шу мақсадда, навбатдаги

доривор ўсимлик ва уларнинг таркибини ўрганиш асносида, халқ табобатида жуда узоқ йиллардан бери қўлланилиб келинаётган шифобахш занжабил ўсимлигига тўхталдик.

Занжабил (Инбирь, Zingiber) - бу доривор ўсимликнинг тарихи жуда-жуда қадим замонларга бориб тақалади. У кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, айниқса, унинг ер остки қисми кўплаб биологик фаол моддаларга бой бўлганлигидан, занжабил жуда ҳам катта ҳажмдаги терапевтик фаолликка эгадир. Барча доривор ўсимликлар қатори занжабилнинг ҳам шифобахшлик хусусияти, унинг кимёвий таркибига боғлиқдир.

Кимёвий таркиби. Занжабил таркибида эфир мойи 1-4% ни ташкил қилиб, 100 дан ортиқ компонентлар, асосан сесквитерпенлар (умумий миқдорнинг 50%), α – зингиберен ва β - зингиберен, куркуменлар, β -сесквифеландрен, β -бисаболен, α - ва β - фарнезен, зингиберол ва бошқалар. Оз миқдорда илдизпояга характерли ҳид берадиган монотерпенлар -гераниол (9%), линалоол (1%), борнеол, геранал, гераниацетат, изоборнеоллар ҳам мавжуд. Бундан ташқари альдегидлар, спиртлар, кетонлар ва алканлар тутати [3].

Занжабил таркибида асосий биологик фаол бирикмалар сифатида эфир мойлари ва фенол асосидаги бирикмалар, хусусан ганглероллар ва шагаоллар, яна органик кислоталар (оксалат, қаҳрабо, олма), углеводлар (ксилоза, глюкоза, лактоза, малтоза), полисахаридлар ҳамда ошловчи моддалардир [4]. Занжабил кучли антиоксидант ва тинчлантирувчи (седатив) таъсирга эга, иммунитет тизимини мустаҳкамлайди, бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади, қон айланишини рағбатлантиради. Унинг антиоксидант фаоллиги таркибига киритилган фенол бирикмалари бўлмиш рутин ва 6-гингерол билан боғлиқ [5].

Занжабилни халқ табобатида ишлатилиш ўринларини 2 га бўлиш мумкин:

Зиравор сифатида қўлланиши. Шарқ ва Европа халқлари ошхонасида кунлик зарурий мева ва сабзавотлар каби доривор ўсимликлар органларидан тайёрланаган кукунсимон зиравор аралашмаси ҳам сақланади. Ўша

зираворлар таркибига эътибор қилинса, улар суюқ таомлар учун бошқа ва кўюқ таомлар учун эса бошқача таркибга эга бўлади. Аммо занжабил ҳар икки хил таомларга қўшиладиган зираворлар аралашмасига таркибига киради. Шарқий халқларда занжабил томири кукунининг ўзини ҳам таомларга ҳам доривор, ҳам хуш таъм берувчи компонент сифатида қўшилади. Араблар хуш кўриб ичадиган “араб қаҳваси” занжабилсиз тайёрланмайди.

- **Даволаш мақсадларида.** Занжабилдан жуду-жуда кўп касалликларда даволовчи табиий восита сифатида фойдаланиш мумкин. Уларнинг ичидан энг муҳимларини санаб ўтаемиз;
- Иммуностимулятор сифатида
- Оздирувчи восита. Занжабил моддалар алмашинуви жараёнини тезлатади шунинг учун танада йиллар мобайнида тўпланган ёғ қатламларни ёқиши (ишлатилиши)га олиб келганлиги сабабли оздирувчи восита сифатида қўлланилади. Ўтказилган сўров натижаларига кўра, мижозларнинг 23% қисми оздирувчи табиий восита сифатида занжабилдан фойдаланиш афзал деб билади [6].
- Қон тозаловчи. Қоннинг қўюқлашиши яъни тромбоцитларнинг агрегациясини, қонда глюкоза миқдорини ва холестерин миқдорини камайтиради, қон босимини пасайтиради [3].
- Кишиларнинг жинсий ҳаёт фаолиятида андроген [7] ва эстроген [8] активлигини оширади.
- Антимикроб таъсири. Занжабил таркибидаги 6-,8-,10-гингероллар *in vivo* (хужайра ичида) *Mycobacterium avium* ва *M.tuberculosis*лар яна бир қатор бактерия ҳамда замбуруғларга қарши антимикроб таъсирини кўрсатади [9].
- Онкологик касалликларда. Занжабил таркибидаги биологик фаол моддаларнинг рақ хужайраларига нисбатан терапевтик таъсирга эkanлиги аниқланган [10].

➤ Антиоксидант сифатида. Занжабил илдизи спиртли экстрактининг антиоксидантлик хусусиятини “ионол” синтетик препаратга нисбатан таққосланганда, занжабил табиий воситаси юқорида юқори антиоксидант табиати борлиги аниқланган [11].

Хулоса. Занжабил илдизидан куруқ кукун ҳолида ёки спиртли экстракт тарзида шамоллаш, камқонлик, эркаклик қувватини ошириш, аёллар жинсий гормонлар секрециясини жадаллаштиришда. Моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлиб, қариш жараёнини тезлаштирувчи эркин радикаллар қарши восита сифатида [12-15], бетартиб овқатланиш ва гиподинамика натижасида келиб чиқадиган семизликка барҳам бериш, шамоллаш ёки кимёвий препаратлар натижасида келиб чиқадиган тўқималардаги яллиғланишга қарши, иммунитетни оширувчи, жигар ҳужайраларини қайта тикловчи ва бошқа бир қанча касалликларда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Р.Асқаров “Сирли табобат” Тошкент “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи” 2021. 5 б.
2. И.Р.Асқаров “Табобат қомуси” Тошкент “Мумтоз сўз” 2019 й, 596 б.
3. Надер Алаа, Диссертация “Разработка твердых лекарственных форм экстракта имбиря лекарственного”, Москва, 2017, 146
4. О.Ю.Щепочкина, Н.Б.Демина, А.А.Жогова и др, “Определение биологически активных веществ в сухом экстракте имбиря лекарственного (*Zingiber officinale* Roscoe).”, “Разработка и регистрация лекарственных средств”, 2015; 2: 160–166,

5. Д.В.Ключникова, Л.Р.Рамазанова “Использование имбирного корня в технологии кисломолочного продукта”, “Технические науки “|, Май 2015, 67-68б
- 6.В.Овсебян, Т.Мартиросян, “Использование имбиря и куркумы в лечебно-профилактических целях” , “Евразийский Союз Ученых “ , 4(73), 2020,58б
7. Kamtchouing P., et al, “Evaluation of androgenic activity of Zingiber officinale and Pentadiplandra brazzeana in male rats” , “ Asian J” , Androl, 2002. №4(4). P. 299-301
8. Hiba Ali Hasan, et al, “Chemical composition and antimicrobial activity of the crude extracts isolated from Zingiber officinale by different solvents” ,. // Pharmaceutica Analytica Acta. 2012. № 3.
- 9.Umeh S.O., B.N. Emelugo, E.E. Basseyy, S.C.Nwobi and J.N. Achufusi “Investigation of the anti-microbial and analgesic activities of crude ethanolic extract of ginger (Zingiber officinale) rhizome” , “International Journal of Agriculture and Biosciences”, . 2013. № 2(3). P.132-135.
10. Rahman S., Salehin F., Iqbal A. In vitro antioxidant and anticancer activity of young Zingiber officinale against human breast carcinoma cell lines // BMC Complementary and Alternative Medicine. 2011. Vol. 11. Pp. 76–83.
- 11.Т.А.Мишарина, Е.С.Алинкина, Л.Д.Фаткуллина, “ Оценка антирадикальных свойств компонентов корня имбиря” , “Химия растительного сырья”, 2013, №1, 183с
12. Аскарлов, И. Р., & Раззаков, Н. А. (2023). GINKGO BILOBANING FLAVONOID TARKIBI. *Журнал химии товаров и народной медицины*, 2(3), 166-173.
13. Askarov, I. R., & Razzakov, N. A. (2023). GINKGO BILOBANING KIMYOVIY TARKIBI VA XALQ TABOVATIDA QO ‘LLANILISHI. *Journal of Chemistry of Goods and Traditional Medicine*, 2(3), 108-117.

14. Раззаков, Н. А., & Аскарлов, И. Р. (2023). VALERIANANING XALQ TABOVATIDAGI O‘RNI. *Журнал химии товаров и народной медицины*, 2(3), 124-130.

15. Аскарлов, И. Р., & Раззаков, Н. А. (2023). LAVANDA VA UNING XALQ TABOVATIDA QO‘LLANILISHI. *Журнал химии товаров и народной медицины*, 2(2), 134-141.